Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

1999 йил 6 июль сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 132 (2170)

УИМБЛДОН ТУРНИРИНИНГ ҚИЗЛАР ОРАСИДА ҒОЛИБИ ИРОДА ТЎЛАГАНОВАГА

Қизим Иродахон,

Теннис оламида энг нуфузли Уимблдон турнирида ғолиб бўлганинг ҳақидаги хушхабарни эшитиб, мен бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу ғалабанг барча ватандошларимиз қалбида фахр ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни ва шон-шуҳратини улуғлаш — инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидоийликни талаб этади.

Қизим Иродахон, ишончим комилки, мамлакатимизда йилдан-йилга равнақ топаётган катта теннисниng вакили сифатида сен жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтариб борасан.

Сенга сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман. Спортда ва ҳаётда омад ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИРОДАНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

Дунё теннис оламида Англияда ўтадиган Уимблдон турнири ўзгача ўрин тутади. Ҳаттоки, уни норасмий жаҳон биринчилиги деб ҳам атайдилар. Сабаби, бу нуфузли мусобақада сайёрамизнинг энг кучли теннисчилари куч синашади. Қувончли томони шундаки, ушбу турнирда Ўзбекистон теннисчилари ҳам йилдан-йилга муваффақиятли қатнашиб келмоқда.



Куни кеча Англиядан хушхабар келди. Ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова Уимблдон турнири доирасидаги 18 ёшгача бўлган ўсмир қизлар баҳсида ғолиб чиқди. Ғолиблик шоҳсупасига қадар Ирода олти учрашувда катта устунлик билан рақибларини мағлуб этди. Финал учрашувида эса И.Тўлаганова россиялик Л.Краснопрудскаядан 7/5:6/4 ҳисобида устун келди ва турнирнинг бош совринини қўлга киритди.


Жуфтлик баҳсида ҳам Ирода Тўлаганова украиналик Т.Перебейнис билан бирга шарафли иккинчи ўринни қўлга киритди.

(ЎзА)
СУРАТДА: Ирода ТЎЛАГАНОВА.

ФЎЗА ГУЛИ — ҲОСИЛ НИШОНАСИ







Фарғона туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигининг Матлуба Ғойибназарова бошлиқ 13-бригадаси ғаллакорлари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан сара дон йиғиштириб олиб, дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Бригада пахтакорлари эса 57 гектар ердаги ғўзани оби-тобида парвариш қилишаяпти. Уларнинг меҳнати ҳам самара кўрсатди: ғўза гуллади! Ғўза гули — ҳосил нишонаси. Жамоа аҳли ана шу ҳосил нишоналарини кўпайтириш, гектар ҳисобига 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилаётир.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Матлуба Ғойибназарова; ғўза гул очди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

БАКАЛАВРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги мухташам "Туркистон" саройида мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг калдирғочлари — олий таълим муассасаларининг бакалавр боскичини илк бор имтиёзли диплом билан тугаллаган ёшлар шарафига республика анжумани бўлиб ўтди.



Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлган ёшлар номига йўллаган Табригини Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ўқиб эшиттирди. Юртбошимизнинг ёшларга меҳр-муҳаббати, ишончи, умиди, тилаги ва катта ҳаваси ўзининг ёрқин ифодасини топган бу Табрикдан бутун мамлакатимиз ёшларининг қувончи кўкка етди.

Халқимиз орзу қилаётган баркамол авлод вакиллари сифатида уларга бакалаврлик дипломи — катта ҳаётга йўлланмани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев топширди.

Талабалар номидан Тошкент Давлат университети тарих факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган Ж.Фаёзов сўзга чиқиб, ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Ёшлар ватанимизга садоқатли, эл-юртимизга фидойи фарзандлар бўлиб, Ўзбекистонимиз дунёнинг энг тараққий топган давлатлари қаторидан ўрин олиши учун тинимсиз меҳнат қилишлари, изланиб-интилишларини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг моҳияти, баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритиб, биринчи қалдирғоч қанча баланд парвоз қилса, кейингилари ҳам улардан қолишмаслигини, юксак чўққиларни забт этишини эътироф этдилар ва биринчи бакалаврларга эзгу тилаклар, самимий истаклар билдиришди.

Катта ҳаёт синови бўсағасида турган ёшлар авлод-аждодлар хотирасини ёд айлаб, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро Она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйишди.

Маросим сўнггида эса ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

ШУ СОНГА ХАБАР

НАВОИЙЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Навоий вилояти ғаллакорлари жорий йилда 37 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 26,1 центнердан ҳосил олиб, ялпи ҳосилдорликни 84,3 минг тоннадан оширдилар. Давлат омборларига режадаги 72,1 ўрнига 73 минг тоннадан зиёд сара буғдой армуғон этилди. Айниқса, бу улкан ютуққа Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор ва Навоий туманлари ғаллакорлари салмоқли улуш қўшдилар. Мазкур туманларда ғалланинг ҳосилдорлиги ўртача 29-42 центнерни ташкил этган бўлса, Конимех туманидаги Ҳ. Олимжон номли, Қизилтепа туманидаги «Варозун», Навбаҳор туманидаги Охунбобоев номли хўжаликларда эса гектарлар ҳосилдорлиги 50 центнерга етказилди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Ғалласи ўрилмаган қарийб 5 минг гектар ер мавжуд. Ундан 10 минг тонна дон олиб, ўртача ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш навоийликларнинг эзгу мақсадидир. Ҳосилдан бўшаган майдонларда эса такрорий экинлар экиш тараддуди авжида.

П. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Урганч аэропортининг ўзиданок курилиш ва бунёдкорлик ишлари авжида эканининг гувохи бўлдик. Япон мутахассислари томонидан тайёрланган лойиха асосида аэропортнинг янги биноси жадал кўриляпти. Шахарга олиб борадиган тўғри ва равон йўлнинг бир томонида Ал-Хоразмий, иккинчи томонида Беруний номи билан аталажак истирохат боғи курила бошланибди, якинда кадалган нихоллар япрок ёзибди. Гапнинг аввалидаёк айтиш мумкинки, Хоразмда бунёдкорлик ишлари авжида: вилоят хокими Исломжон Бобожонов шу кунларда Урганч сайлгохи очилажагини, вилоят марказидан кўхна Хивага бораборгунча йўлнинг икки томонида салкин ва куюк дарахтзор-боғ барпо этиш режалаштирилганини айтди. Дархакикат, нега шу пайтгача кайсидир рахбар ё мутасадди шу хакда бош котирмаган? Ахир ишлайман деса имконият, майдон бор эди-ку?..

ИШОНЧДАН ТУҒИЛГАН КАЙФИЯТ

Бу каби саволларга турлича жавоб бериш, важкорсонларни қалаштириб ташлаш мумкин, аммо-лекин баъзан БОШ омилни — ҳамма-ҳамма нарса одамлар кайфиятига боғлиқлигини унутиб қўямиз.

Хоразмликлар ана шу омилни — ишчанлик кайфиятини топганликлари кўрар кўзга яққол ташланиб турибди.

Биринчи учрашув жойида тикувчи аёл-қизлар билан юзма-юз келганимизда самолётнинг "гувири" ҳали қулоғимиздан кетиб улгурмаган эди. "Феруз" ҳиссадорлик жамиятида ишни тўхтатиб, ишчиларни залга тўплаш ниятини айтишди. Гуруҳимиз раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов: "Одамларни ишдан қўймайлик, улар бизнинг эмас, биз уларнинг ҳузурларига борамиз, йўл-йўлакай суҳбат қурамиз" деди. Шундай ҳам бўлди. Жинси матосидан куртка тикаётган чеварларнинг ишларини кузатдик, улар билан танишдик. Жамида қизларимиз иш дастгоҳларини ташлаб кетгилари ҳам келмайди. Ҳозир Олмониядаги ҳамкасбларимиз билан биномизнинг бўш турган ятда ишлаётган 350 дан ортиқ ишчи-хизматчининг 98 фоизини аёл-қизлар ташкил этади, улар буюртма бўйича турли кийим-кечаклар тикишади. Тўғри, ускуналар анчагина эскирган, уларнинг ишлаб чиқариш техник имконияти бугунги кун талабига жавоб бермайди.

— Шунга қарамай қараб ўтирмаяпмиз, ишимиз тўхтаб қолаётгани йўқ, — деди жамият раисаси Клара Жумамуротова. — Буюртмаларимиз кўпайиб кетган вақтларда тўртинчи қаватида цех очиш юзасидан музокаралар олиб боряпмиз. Насиб этса, бу цех яна 100 нафар аёл-қизни иш билан таъминлайди.

Цехнинг ўзида "оёқ устидаги" учрашув Эркин Халиловнинг XIV сессияда Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов қилган дастурий маърузаси ҳақида сўзлаб бериши билан бошланди. Мамлакатда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган тарихий ислоҳотларнинг реал самаралари, халқимизнинг кўз ўнгида юз бераётган улкан ўзгаришлар, буларга кенг меҳнаткашлар оммаси ўзининг муносиб улушини қўшаётгани ҳақида сўз борди.

"Ишчи одам ҳар қандай шароитда ҳам кўнглидагини очиқ айтади" деган гапнинг тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Сифат назоратчиси Бибиражаб Қобулова гапга чечан экан. У ёшларнинг бўш вақтини банд этиш чоралари ҳақида сўзлади, пойтахтдан келган меҳмонларни қизиқтирган саволларга бийрон-бийрон жавоб берди.

— Президентимизнинг телевидениедаги ҳар бир чиқишлари, газеталарда эълон қилинган маърузалари ва суҳбатларини махсус ўрганиб, ўзаро фикр алмашамиз, — деди у тўлқинланиб. — Айниқса тушлик вақтларимизда баҳсимиз қизийди. Баҳс ва суҳбатларимизда мен бир нарсага — ишчи-хизматчиларимизнинг ҳаммаси Юртбошимизга катта бир эътиқод билан ишонишига, у киши кўрсатган йўллардан оғишмай боришнинг нақадар тўғрилигига амин бўламан.

Биз билан хайрлаша туриб, жамоа раисаси Тамарахон аҳдида қатъийлигини, яъни қандай бўлмасин Олмония билан ҳамкорликда янги цехни ишга туширишини, бундай орзу-ниятлар қонун йўли билан кафолатланганини тўлқинланиб гапирди.

Янгибозор туманидаги "Бўзқалъа" ширкат хўжалигидаги учрашув тўғридан-тўғри ғалла бошоқлари шамолда тебраниб турган, ғалла ўриш ишлари айни авжига чиққан далада бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

Халқ сўзи — хақ сўз

«Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмини кўриб

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЙЎЛТЎСАР

Оқар сувга ўхшар Инсон умри ҳам,
У ҳам ўтган жойин айлагай жаннат.
Аммо ўзанидан зақкум оққан дам
Дўзах заҳри қолур ўрнида фақат.

Балки Сен билмассан, нимадир савоб,
Балки яхшиликка бормаган қўлинг?
Сенга ким амр этди, айлагил жавоб,
Нечун ёвузликка бурилди йўлинг?

Боболар демишлар, ҳатто пашшага
Бу ёруғ оламда бермагил озор.
Наҳот зулм билан тўлсанг нашъага,
Наҳотки Сенинг ҳам Инсон номинг бор?

Ҳатто ўлимтиклар эгаси қузғун
Меҳр билан боққай ошиёнига.
Ўша тоғу тошлар юрт унинг учун,
Ўзи паноҳ бўлгай ўз маконига.

Ўрмонлар ботири наъравор фил ҳам
Шайлангай атрофи хатарга тўлса,
Филчасин қўриқлаб буткул уюр жам,
Аза очар эмиш бир қавми ўлса.

Эгасиз кимса йўқ, ҳар бир жонзотнинг
Бордир теппасида Парвардигори.
Азалий қонуни шулдир ҳаётнинг:
Бузса иморатни — бузгай меъмори!

Сенинг қабоҳатинг, сенинг дастингдан
Юртингда кўча-ю кўйлар безовта.
Туққан Ватанингга қилган қасдингдан
Мозорлар безовта, тўйлар безовта.

Ўзбекча сўзлайсан, даҳшат нақадар,
Каломим, сен бугун заҳар нечоғли.
Отанг ўртанмоқда қўшидан баттар,
Онангнинг юзлари ойдан-да доғли.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҲАҚИҚАТ НИДОСИ

Мамлакатимиз телевидениеси орқали намойиш этилган «Февраль воқеалари» хужжатли фильмини томоша қилиб, мудҳиш туш кўргандай бўлдим. Лекин бу кўрганларим туш эмас, ҳақиқат. Аччиқ ҳақиқат. Шу йил 16 февралда Тошкентда катта-ю кичик — ҳар бир фуқаро ўз кўзи билан кўрган, ўз юрагидан кечирган даҳшатли ҳақиқат.

Фильм, аввало, ҳушёрликка чақиради. Ҳой инсонлар! Мустақил давлатимиз, озод халқимизнинг мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам ёвуз душманлари бор. Уларнинг қора юрагида эркимиз қўёшига, истиқлолимизнинг ёрқин нурига қарши машъум ният, мудҳиш адоват бурқсиб ётибди. Улар эркимизни, бахтимизни, улуғ режаларимизни, Ватанимиз жамолини, авлодларимиз камолини кўра олмайдилар.

Пес-песни қоронғида топади, деган мақол бежиз айтилган эмас. Туркиядами, Чеченистондами, Афғонистондами изғиб юрган бу ёвуз ниятли ваҳшийларнинг муддаолари битта: мустақил давлатимиз — озод Ўзбекистонга ҳуруж, халқимизга хиёнат, тинчимиз, тараққиётимизга адоват.

Халқимизнинг доно одати бор: у босиб ўтган йўлига баҳо бериш, эртанги кунини чамалаб кўриш учун, ўз-ўзига савол беради: ким эдик? Ким бўлдик?

Биз Россияга қарам, Москванинг рухсатисиз, ўзимизча мустақил иш қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ўлкада яшар эдик. Истиқлол халқимиз олдида мустақил тараққиётнинг кенг уфқларини очиб берди.

Халқимиз бахти яна шундаки, давлатимиз тепасига кенг ва чуқур фикрлайдиган, узоқни кўзлаб режа тузадиган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, халқ ва жамоат билан тинимсиз маслаҳатлашадиган, Ватан келажагини, мустақил давлат истиқлолини ўйлаб иш қиладиган буюк инсон келди.

Ислом Каримов халққа, Ватанга улуғ муҳаббати, чексиз меҳнатсеварлиги, чин аллломалиги билан умумхалқ меҳр-муҳаббатини қозонди.

Халқимизнинг жасорати, Президентимизнинг донолиги туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ошди, овози баланд кўтарилди.

Шу муборак заминда, унинг муқаддас даргоҳлари — кўркам майдонларида, муҳташам бинолари тагида, халқ гавжум тўпланадиган зиёратгоҳларида бомба портлатган мудҳиш душманларнинг кимлиги, ёвуз мақсадлари, жирканч башаралари эндиликда бутун элга аён. Халққа очиқ кўрсатилган адолатли судда бор ҳақиқат бутун тафсилотлари билан очиб ташланди.

Юртимиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир инсондан эндиликда сўранг, бир хил ва ҳаққоний жавоб оласиз:

— Судланганлар — Ватан хоинлари. Қотиллар. Жаллодлар.

Судда бу қотилларнинг ҳомийлари аниқланди, уларнинг мудҳиш ниятлари, жирканч башаралари очиб ташланди.

Буларни Шарқнинг аллақайси маҳфий гўшаларида кўришган, сирлашган, аҳдлашган пайтларида учратиш мумкин. Бу аламзада тўдаларнинг мақсади, юқорида айтганимиздек, фақат битта: азиз мустақил Ватанимиз — ҳур Ўзбекистондаги халқпарвар, элпарвар тузумни ағдариш, юртимиз фарзандлари жонига қасд қилиш, тинч ҳаётимизни барбод этиш.

Уларнинг бундай шум нияти халқимиз учун, ҳар бир фуқаро учун эндиликда сир эмас.

Бу ҳужжатли фильмни бефарқ кўриш мумкин эмас. Бу ҳаққоний фильм — халқ юрагининг фарёди, буюк инсоний ҳақиқат тасвири, ҳушёрликка янгроқ даъватдир.

КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

— Мени шундай дуо қилингки, бу ёруғ дунёда камида минг йил умр кўрай, — устоз кўзига умидвор тикилибди улуғлар хизматида бўлганлардан бири.

— Бунинг иложи йўқ, — дебди улуғворлик билан устоз. — Сен ўз умрингни эзгулик ва олижаноблик, ҳалоллик ва тўғрилик, савобга йўғрилган яхши ишларга бахшида этгинки, одамлар минг йиллар давомида эслаб юришсин. Номинг умрингдан узоқ яшасин.

Ҳа, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам унутилмайди. Шу йилнинг 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва республиканинг Конституциявий тузумига тажовуз қилган, ўнлаб бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлган, кўплаб оилаларга мислсиз мусибат келтирганлар узоқ вақт лаънат ва нафрат билан тилга олинади. Ўзига нон берган, туз берган, сув берган ва бағрида ўстирган Ватанга қўл кўтарган ватангадолар, энди елкасига шабада теккан халқни яна азоб-уқубатларга, жабру-жафоларга гирифтор этмоқчи бўлганлар, миллатфурушлар ҳар икки дунёнинг қаҳрига, қаргишига лойиқдир.

Мен «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмида ўша ёвуз кимсаларнинг қилмишларини кўриб, азойи баданимда титроқ турди. Ҳой кўр бўлгурлар, сенларниям она туққан-ку, сенлар вайрон қилмоқчи бўлган юртда ўзингниям ота-онанг, акаукаинг, фарзандларинг, қариндош-уруғларинг яшайди-ку, ахир, дея эзилдим. Ичи қора, разил, ҳасадгўй кимсалар ниятининг жирканчлигини айтинг. Бутун бошли мамлакатни ўз шахсий нафсининг қурбонига айлантирмоқчи бўлса-я!

Панжара ортида ўтирганлар орасида андижонликларнинг ҳам борлигидан ер чиздим, афсусландим. Бу нобакорларнинг ажриқнинг томиридай илдиз отишида, сассиқ алафдай урчишида биз, катталарнинг, маориф ходимларининг ҳам маълум даражада айби, хатоси бор. Оқибатда ёруғ, нур кириб бормаган жойни зулмат, хунрезлик эгаллади.

«Февраль воқеалари» тўла тафсилотининг ойнаи жаҳон орқали кўрсатилиши барчани яна бир бор ҳушёрликка, сергакликка даъват этади.

Тоҳиржон ТЎЙЧИЕВ,
Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

ТАФАККУР ВА ЗАМОН

ТАРИХИМИЗНИНГ КАМОЛОТ ДАВРИ

Мустақиллик ҳар қандай давлатнинг тараққиёти учун энг яхши асос эканлигини исботлашга зарурият йўқ. Мақоламизнинг мақсади ҳам бу эмас. Мен бу ўринда тарих фани учун юксалиш нима эканлигини таҳлил этишга уриндим. Неча йиллар мобайнида ёлғон кўрсатмалар билан ўраб-чирмаб ташланган тарихий ҳақиқатга қандай йўл топилади? Унинг жонсизлантирилган жисмига қай тарзда янги руҳ бериш мумкин?

Миллий тарихшунослигимиз кўп асрлар мобайнида машҳур тарихчи ва алломаларнинг дурдона асарлари билан зийнатланиб борган. Абу Наср Фаробий, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Фиёсиддин Али Яздий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Обру, Заҳириддин Бобур, Абул Fозий, Муҳаммад Юсуф Мунший, Аҳмад Дониш, Шарифжон Маҳмуд, Мирзо Салимбек, Мирзо Абдулазим Сомий, Убайдулла Ибрат ва бошқаларнинг бебаҳо тадқиқотлари жаҳон тарихшунослиги хазинасини бойитган. Бироқ шароит тақозоси билан XX аср бошларига келиб, тарихшунослик миллий мактаби норасмий ҳолатга тушиб қолди ва фақат жадидларнинг асарларидагина қисман намоён бўлди. Шу даврдан бошлаб Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганиш жилови Россия шарқшунослик мактаби қўлига ўтди. Улар маҳаллий тарихчилардан ва археология ҳаваскорларидан фақат материаллар ва қадимги қўлёзмалар таъминотчиси сифатида фойдаландилар. Большевиклар давлати томонидан қонунлаштирилган тарихий концепция эса минтақа тарихини мутлақо бир ёқлама ва нохолис талқин этди. Миллий тарих тушунчаси 30-йилларда қатағон қилинган тарихчилар билан биргаликда йўқ қилинди. Масалан, биринчи ўзбек профессорлари М. Саиджонов, П. Солиев, С. Асфандиёровларнинг чоп этилган ва қўлёзма ҳолида қолган асарлари НКВДнинг деворлари ортида йўқ қилиниб юборилди. Айниқса, машҳур археолог олим, академик Яҳё Fуломовнинг устози Пўлат Солиевнинг «Ўзбекистон тарихи: XY-XIX аср биринчи ярми» номли ноёб асари бутунлай маъно қилинди. Совет даврида тузум мустақил фикрлашнинг кушандасига айланди. Шунинг учун тарих фани ҳам мустабид даврнинг қолипига тушди. Айрим жузъий ютуқларни ҳисобга олмаганда, тарих фани бу даврда ғайримиллий бўлиб қолаверди.

Сохта талқин этилган тарих, охир-оқибатда, ҳақиқий тарихга ҳам ишончсизлик уйғотади. Бизда ҳам шу ҳолат юз берди. Тарихни нохолис тушунтириш, кўп сўзлилик ўша даврда ёшларнинг тарихдан ихлосини қайтарди. У ўқув предмети сифатида (айниқса, компартия тарихи) мажбурий, бироқ «жонга теккан» предметлар қаторидан жой олди. Ўша мустабид даврда илмий доираларда, расмий коммунистик назария ўтмиш воқелигига мувофиқ келмайди, деган тушунча мавжуд эди. Фақат мустақиллик туфайлигина тарихчилар тарихий воқеаларни ўз номи билан аташга имкон топдилар.

Истиқлолнинг биринчи йилларида «Россиянинг Ўрта Осиёга («ихтиёрий») қўшиб олиниши», 1917 йилги «Улуғ Октябрь инқилоби», Туркистон Мухторияти ва жадидчилик ҳаракатининг буржуа-миллатчилик ва реакцион характери тўғрисидаги ҳамда ўзбек халқининг ёппасига саводсизлиги ҳақидаги коммунистик ақидалар инқирозга учради. Бу ишлар ҳақиқий тарихни ўрганиш йўлида катта қадам эди.

Рус тарихининг таниқли тадқиқотчиси А. Л. Шлецер Россия тарихини атиги беш даврга бўлиб ўрганган эди. Бироқ агар Ўзбекистон деб аталмиш икки дарё оралиғидаги мамлакатнинг, кўп асрлик тарихига Шлецер нуқтаи назари билан ёндошилса, уни неча даврларга бўлиш мумкин бўларкин? Ахир, бундан 3000 йил аввал «Авесто»да акс эттирилган, ўз она замини учун қаҳрамонларча курашган халқ тақдирининг қайси бир даврларини санайлик?

Ўзбекистон тарихининг янги концепциясида Ватанимиз ўтмишидаги кўп босқичларни ўз ичига олган 9 давр қайд этилган. Бу уч минг йиллик тарихни Ўзбекистон давлати тарихи сифатида идрок этиш ва, айниқса, кўрсатиб бериш учун, биринчи навбатда, фаннинг методологик асосларини қатъий ва глобал қайта тузиш лозим. Бу вазифа ўтган йилнинг ёзида аниқ равишда белгиланди. Мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарори тарих фани вазифаларини стратегик қайта қуриш учун асос бўлди. Биринчи навбатда, Фанлар академиясининг Тарих институти янги тарихий тадқиқотлар маркази мақомига эга бўлди.

Юқорида айтилган Қарорга мувофиқ, тарих бўйича ихтисослашган ўрта таълим мактабларини барпо этиш ҳам ўз навбатида халқимизга кучли таъсир кўрсатди.

Шўро даврида иккинчи даражали ҳисобланган тарих фани барча ижтимоий фанлар қатори, фикримча, ҳозир юқори ижтимоий мавқега эга бўлди. Ўйлайманки, у бунга лойиқ. Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» деган сўзлари янги тарихий тафаккурга катта йўл очди.

Моҳиятан, тарих — бу, ҳаётнинг ўзи, бизнинг ҳаётимиз ўтмишга айланадиган ҳозирдир. Шу боис, биз қандай ҳаёт кечирсак, тарих фанининг мазмуни ҳам шундай бўлади, демакдир.

Энди, мақола сарлавҳасида қўйилган масалага қайтсак, барча шароитларга эга бўлган тарих илми юксалиши қачон келади? Бу саволга жавоб бериш осонми? Ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, шундай бўлаяпмиз, илмий ноҳукумат ташкилотлари ва жамиятлари вужудга келди, халқаро ва республика томонидан бериладиган грантлар кўринишидаги қўшимча тақдирлаш учун усул ҳамда имкониятлар топилаяпти. Лекин энг асосийси — мамлакат раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдамидир. Бу эса юксалиш даврининг бошланишидан далолат беради. Шунинг билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистоннинг ҳар бир даври ўзига хос қизиқарли ҳодисаларга бой ва биз ҳар бир давр бўйича янгича фикрлайдиган мутахассисларга эга бўлишимиз керак. Лекин яқин вақтгача бу талабга риоя қилинмай келинди. Масалан, мустақилликнинг юзага келаётган ёш тарихи ўз таҳлили, қонуниятлари ва ўзига хосликларини ўрганишни талаб этади. ЎзР ФА Тарих институтида махсус бўлим мавжудлиги ҳам бу заруриятдан гувоҳлик беради. Бироқ, шу билан бирга, 1997 йилда 13 нафар аспирантдан 8 аспирантга айнан шу давр бўйича мавзулар берилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Агар жорий йилнинг 6 ойи мобайнида минтақавий олий ўқув юртларидан аспирант ва тадқиқотчиларнинг ушбу даврга бағишланган 20 га яқин мавзуси институт қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашга тасдиқланиш учун юборилгани ҳисобга олинса, мавзулар ўйланмай тақсимланиши давом этаётгани ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон тарихининг юқорида қайд этилган 9 даври ва босқичлари, шу жумладан, мустақиллик даври бўйича етук, юқори малакали мутахассисларни жадал равишда етиштиришимиз лозим. Вазирлар Маҳкамасининг Тарих институти ҳақидаги Қароридан сўнг бу масала институт Давлат илмий дастурида ўз аксини топган.


Мавжуд бўлган нашрлар муаммоси ҳам секин-аста ўз ечимини топмоқда. Қарорда кўрсатилган даврий тўпламнинг биринчи сони жадидчилик тарихига бағишланган бўлиб, яқинда дунё юзини кўрди. Яқин вақтларда Ўзбекистон давлатчилик тарихи ва тарихимизнинг бошқа долзарб муаммоларига бағишланган китоблар ҳам бирин-кетин нашрдан чиқади, улардан айримларининг қўлёзмалари нашриётларга топширилган.

Кўпжилдли нашрларнинг лойиҳаси ҳам режалаштирилмоқда. Лекин бу обдон ўйланган, кафолатланган ёндошувни талаб этади. Янги тарихни ёзишда илгари институтда тайёрланган 7 жилдлик Ўзбекистон тарихининг ачинарли тажрибаси такрорланмаслиги керак. Уни тайёрлаш жуда суст олиб борилди, шунинг учун ёзилган жилдлар дунё юзини кўрмасдан эскирди ва ўз аҳамиятини йўқотди. Ягона нашр этилган учинчи жилднинг на олдинги, на кейинги жилдлари бор. Ўйлаймизки, кенг миқёсли ишларни бажариш билан бир қаторда, халқимиз, айниқса ёшлар ва илмий жамоатчилик учун давлатчилик муаммолари бўйича китоб, рисола, мақолалар чоп этишни унутмаслигимиз лозим, айни пайтда, маънбашунослик ишларимизни давом эттиришимиз керак.

Мавжуд камчиликларга қарамай, тарих фанининг тўлақонли ривожланиши учун кенг йўллар очилди, дейиш учун барча асослар бор. Тарих фани мустақиллик бошланиши билан бутун мамлакат каби оғир дардлардан фориғ бўлиб, оёққа турди ва кўксини тўлдириб соф ҳаводан баҳраманд бўла бошлади. Билаклари кучга тўлиб, ўзининг юксак даҳоси — халқ хотираси хизматига шай турибди.

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори.

КИМЁГАРЛАР ҚУВОНЧИ





Зарафшон шаҳридаги фосфорит заводининг ишга туширилиши самарқандлик кимёгарлар учун янги имкониятлар яратди.

— Илгари фосфор хомашёсини Қозоғистондан олиб келардик, — дейди Самарқанд минерал ўғитлар заводи директори Ойдин Гасанов. — Катта миқдорда валюта сарфланарди, устига устак йўлдаги харҳашалар жонимизга теккан эди. Бугун эса хомашё ўзимизники, қўл узатсак «ҳовучлаб» олаверамиз.

Дарҳақиқат, бу имконият корхона аҳлига куч-қувват бағишлади. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида завод жамоаси Қорақалпоғистон ва яна 8 та вилоятга 17 минг 700 тонна турли хилдаги фосфор-азот ўғитлари жўнатди. Айни пайтда самарқандликларнинг сифатли бу маҳсулотларига чет элликлар ҳам ишқибоз бўлиб қолишди.



СУРАТЛАРДА: завод ҳудудида; аммофос цехи бошлиги Ислом Машарипов ва цех устаси Шавкат Ходиев; оператор Майсара Мирзаева ва бош муҳандис Рўзимбой Ражабов бошқарув пультида.

Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар.

Соғлом авлод учун

ТАШАББУС

Шуҳрат Алимирзаевни Пахтакор туманига прокурор бўлиб келган куниданоқ ўсмирлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ташвишга сола бошлади. Бунинг олдини олмаса бўлмасди. Прокурор бир неча ойлик фаолияти давомида жиноят кўчасига кириб қолган юзлаб ёшлар билан юзма-юз мулоқот ўтказди. Маҳаллаларда бўлиб оқсоқоллар билан маслаҳатлашди. Кейин билса, ҳамма кўнгилсизликлар бекорчиликдан, ёшлар овунадиган машғулот йўқлигидан келиб чиқаркан.

Шундай кунларнинг бирида деҳқон бозори ёнида харобага айланиб қолган улкан иншоот прокурорнинг диққатини тортди. Суриштирса, халқ таълими тасарруфидаги спорт саройи экан. Кейинги йилларда маблағ тақчиллиги баҳонасида у ҳувуллаб қолибди. Саройнинг ёзги майдонини машина бозорига, пулли тўхташ жойига айлантиришибди. Бундан ҳам на маъни, на фойда чиқибди.

Прокурор спорт саройини қайта тиклаш ташаббусини кўтарди. Ҳомийларни ҳам ўзи топди. Ҳоким бу фикрни маъқуллади. Шундан сўнг прокурор ҳамёнида оз бўлсада маблағи бор ташкилот ва корхоналарни рўйхат қилди. Уларнинг раҳбарларини тўплаб, қайта-қайта фикрлашди. Кўплар фарзандлари келажаги, тарбияси учун қилинаётган хайрли ишга бош қўшишга рози бўлди. Пахта заводи, банк дейсизми, қурилиш ташкилотлари-ю, хусусий тадбиркорлар ҳашарни бошлаб юборишди.

Бир ой деганда қишки спорт зали, ўнга яқин ёрдамчи машғулот хоналари, ёзги ўйин майдонлари таъмирланиб, жиҳозланди. Спорт саройининг очилишида қатнашган республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Г.Йўлдошева унинг эгалари билан доимий ҳамкорлик қилишини, моддий кўмак беришини айтди.

— Пахтакорда спорт иншоатлари биттага қўпайди. У ҳозирнинг ўзида юздан зиёд мухлисларини тўплади. Шунча ўсмир жиноят кўчасига эмас, соғлом ҳаёт тарзи сари жалб этилди, — деди прокурор.

Бу айни ҳақиқатдир.

Н. ҲАЙТБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

«БИЗ ЎГАЙ СОҲАМИЗМИ?»

«Ушбу хатни сизларга Қува тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бир гуруҳ ишчилари ёзмоқда, — дейилади фуқаролардан А. Норматов, М. Алимов, А. Йўлдошев ва бошқалар (улар 26 киши) имзо чеккан мактубда. — Сабаби шуки, ташкилотимиз ходимлари йил бошидан бери ойлик маошларини олганлари йўқ. Бюджетдаги бошқа ташкилотларда бундай ҳол йўқ. Нима, биз ўгай соҳамизми, нега ҳар доим бундай ҳол бизда такрорланаверади?»

Шикоят хати моҳиятан кўриб чиқиш учун туман ҳокимлигига юборилганди. Яқинда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб Х. Абдуллаев имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, ишчиларнинг аризаси вилоят молия бошқармаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги мутахассислари иштирокида кўриб чиқилган.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ишчи-ходимлари март, апрель ойи иш ҳақи ва «Наврўз» байрамига мукофот пулини (4 млн. 730 минг сўмни) ўз вақтида ололмаганларига асосий сабаб 1999 йилги ҳаражат сметаларини Молия вазирлиги томонидан кеч тасдиқланганлигидир. Бу ҳужжатларсиз республика бюджетидан маблағ берилмайди.

Ҳозирги кунда вилоят молия бошқармасидан ўтказилган 3 млн. 537 минг сўм ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Пул тушиши билан қолган иш ҳақларини бериш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ишчи-ходимларнинг бошқа талаблари ҳам кўриб чиқилиб, уларни ҳал қилиш чоралари белгиланди.

Халқ сўзи — хақ сўз

ИШОНЧДАН туғилган кайфият

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Қуронбой Саидов Республика Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида ижтимоий-сиёсий шарт-шароитни янада яхшилаш ҳақидаги қароридан халқнинг боши осмонга етганини гапирди.

— Айниқса ёшларнинг иш билан таъминланишига қаратилган тадбирлар тизими бутун вилоят аҳолисининг таҳсинига сазовор бўлди, — деди у. — Зеро, иш билан банд одамдан ёмонлик келиб чиқмайди. Мана, кўриб турибсизлар, ғалладан келадиган барака мўл. Деҳқон одамлар бир-бирларини алдамайдилар, мансаб-мартаба учун курашадиган, ёқалашадиган кимсаларгина бошқаларни йўлдан урадилар. Шу ўринда бир таклифим бор: мисол учун қишлоқларимиздан ўқишга кириш мақсадида Тошкентга, бошқа шаҳарларга кўплаб ёшларимиз кетишади. Уларнинг орасида ўқишга киролмайдиганлари ҳам бўлиши табиий. Хўш, ўшалар кимларнинг назоратида қоладилар? Ўқишга кирмагач, пойтахтда нима ишлар билан банд бўлиб юрибдилар? Кимлар билан "ошно" бўлишяпти? Буларни суриштирадиган одам йўқ.

Моможон Матюсупова уч ўғлини ёнига олиб 1,5 гектар ерда ғалла етиштирганини, ҳосил шартномада кўрсатилганидан ошиб кетгани туфайли нақ бир тонна бугдой рўзғор омборига тушажагини гапириб берди.

Сафаримиз қатнашчилари Гурландаги "Гурлан" тўқимачилик мажмуасига етиб келди. Қарийб 30 гектар майдонни эгаллаган мажмуа 1997 йилнинг кузида иш бошлаган — мамлакатимиз мустақиллигининг фарзанди дейиш мумкин. Ҳозирча бу ерда 1300 дан ортиқ ишчи-хизматчи банд. Маҳаллий пахта хомашёсидан ип йигириб, шу ерда мато тўқиб, шу ернинг ўзида иш кийимлари, болалар кийимлари тикиб, аҳолига сотиляпти. Хорижга — нақ Бельгияга жўнатиш учун ҳозирланган тайёр маҳсулот тахламларини ҳам кўрдик. Бепоён чўл ўртасида қад ростлаган бу масканда мўъжиза яратаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашиб, улар ўз меҳнатларидан, давримиз ўзгаришларидан нақадар мамнун эканликларини билдик. Қатор иш операциялари компьютерлашган, энг замонавий йўсинларда техникалаштирилган бу корхонада ЯНГИ ўзбек ишчиси тарбия топаётганининг гувоҳи бўлдик.

Шовот тумани марказидаги "Истиқлол" истироҳат боғига етиб келганимизда кун анча тиккага келган, ҳаво қизий бошлаган эди. Аммо боғнинг салқин ва сўлим супалари оқсоқоллар билан гавжум экан. Оппоқ дастурхонларга қўйилган юмшоқ нон, сарҳил ҳўл мевалардан, қанд-қурслардан тотиниб чой ичиб, гурунглашиб ўтиришибди. "Мустақиллик — меҳнат ва масъулият" деган шиор эътиборни тортади. Назаримда, мустақил яшашнинг туб моҳияти шу сўзлар замирида мужассамдек. Ваҳоланки, мустақиллик деганда, аксарият одамлар биринчи навбатда эркинликни, ҳурликни тасаввур қиладилар, бу тасаввур ҳатто тайёр ошга баковул қабилидаги тушунчага айланиб кетади. Ҳаёт ҳақиқати эса мутлақо бошқа нарсани — ватанимиз истиқлоли масъулиятга йўғрилган меҳнатдан иборат эканини кўрсатмоқда. Эркин Ҳамдамович мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида, Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" деб номланган маърузасида ишлаб чиқилган ва мамлакатимиз аҳолиси олдига қўйилган масала ва вазифалар хусусида гапириб берди. Хусусан, бўлажак сайловлар мамлакатнинг келажагини белгилаб берувчи жиддий сиёсий тадбир эканини, сайлов ҳар бир фуқаро зиммасидаги МАСЪУЛИЯТ эканини гапирди. Хўш, кўпни кўрган отахонларнинг фикр-мулоҳазалари қандай? Уларнинг кўнглида етилиб турган қандай орзу-ниятлар бор?

Шовоткалъа фуқаролар йиғини раиси Йўлдош ота Ҳожиев ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотиган, бугунги мустақиллик ғоясини теран ҳис қиладиган мўйсафидлардан экан.

— Мустақилликка қадар эҳтиёжимиздаги доннинг 20 фоизигина ўзимизда етиштирилган, — деди отахон. — Мана, етти йил деганда дон мустақиллигига эришиб ўтирибмиз. Телекда дон мўл — кўнгил тўқ.

Ёнимда ўтирган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Жумабой оға Ўтамовдан телек нима эканини сўрадим. У киши хоразмликлар хонадонида бўладиган махсус дон сақлагич омборни чизиб кўрсатди. Ёшуллиларнинг айтишича, айни кунларда ватан хиромонини тўлдирган ғаллакорлар ўз оилаларидаги телекларни ҳам тўлдиришмоқда, демак, одамларнинг кўнгли тўлмоқда.

Йўлдош ота Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган олти асосий тамойилнинг бири — кадрлар тайёрлаш тамойилини халқона бир донолик билан шарҳлаб берди.

Отанинг бир гапи йиғилганларни тўлқинлантириб юборди: "Айримлар бундай ҳодисаларга турмушда кўзга ташланаётган айрим етишмовчиликларни сабаб қилиб кўрсатишади. Мен бу гапга унча қўшилмайман. Нима, илгари қийинчилик бўлмаганми? Муаммо бўлмаганми?! Ҳамма гап — тарбияда бўшлиқ бор, шу ҳақда кўпроқ қайғуришимиз керак".

Қандайдир ёт унсурлар одамларимизни чалғитиб кетмасликлари учун тарғибот-ташвиқотда иккиланишга асло йўл қўймаслигимиз керак.

Бу жиддий гап! Ислом Каримов Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган "Ҳушёрликка даъват" деб номланган жавобларида юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган **"кенг оммани огоҳликка чақириш"** нақадар муҳим иш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. **"Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз".**

Президентнинг бу гаплари энг оддий ва қалби эзгу ниятларга лиммо-лим маърифатли одамларимизнинг айни кўнглидаги гаплар эканига амин бўласиз.

Яна бир отахон Искандар Хўжаев Президентимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарёга қилган сафарлари чоғида оддий кишилар, жумладан оддий тракторчилар билан қўл олишиб кўришганлари, улар билан суҳбат қурганларидан ҳаяжонланиб гапирдилар. Вазирлар Маҳкамасининг **Хоразмни** туб ислоҳотларни янада ривожлантиришга қаратилган қарорининг аҳамиятини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

— Биз қариялар қараб турмаймиз, — деди Отабой ота Ортиқов. — Президентимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бор кучимизни, эътиборимизни сафарбар этамиз. Энг муҳими, Шовотда ярамас унсурлар йўқ, бўлмайди ҳам. Бир гапни Президентимизга етказинглар, у кишининг умри узоқ бўлсин», — дея дуолар қилишди. "Мен 33-йилдан бу ёғининг жонли гувоҳиман, лекин бу йилдагидек маъмурчиликни кўрмадим. Қаранглар, ҳамма ёқ дон-дунга тўлиб кетди".

Эркин Халилов учрашув ва гурунгдан ҳосил бўлган кайфиятни бир оғиз сўзда ифода этди: "Қаранглар, сиз қариялар туфайли шу жойлар кулиб турибди".

Ҳақиқатан ҳам кайфияти чоғ одамлар йиғилган жойлар кулиб туради. Кулиб турган жойларнинг кўплиги мамлакатнинг равнақидан далолат беради. Меҳнатнинг унуми ҳам ортади. Одамлар мамлакат миқёсида олиб борилаётган ишлардан мамнун бўлиб яшайдилар.

Хоразм ғаллакорларининг давлатга ғалла топшириш шартнома режасини бажарганлари ҳақидаги хабарни ўқиб туриб ҳаёлга толдим. 16 минг гектар ерда етиштирилган ғалланинг 8600 гектаридаги ҳосил юқори сифат ва суръат билан ўриб олинганининг, ҳосилдорлик 57 центнерни ташкил этганининг, ўтган йилги ҳосилдорликдан бу қарийб 8 центнер ортиқ эканининг туб сабаблари нимада?

Ғалла етиштириш учун унумдор ерлар танлангани рост, уруғликка эътиборнинг ошгани рост, юқори агротехника талабларига риоя этилгани бор гап, буларнинг бари эришилган муваффақиятнинг асосий омилларидан экани ҳам тўғри. Аммо-лекин янада каттароқ омил — халқнинг кайфияти, янаям аниқроғи, мамлакат Президентига бўлган ишончдан ҳосил бўлган кайфият кўтаринкилиги алоҳида таҳсин ва эътиборга сазовор. Дарҳақиқат, вилоятнинг қайси туманига, қайси корхона ё хўжалигига борманг, зўр ғайрат билан ишлаётган, энг муҳими — янгича ишлашни йўлга қўйишга интилишнинг, ишчан кайфиятнинг гувоҳи бўласиз.

"Хонқагурунч" жамоа корхонасида шоли қайта ишланиб гурунч олинади, нон маҳсулотлари ишлаб чиқилади. Иш уч сменада ташкил этилган, корхонага ишга жойлашиш истагидагилар жуда кўп, чунки бу ерда меҳнат шароити яхши йўлга қўйилган, маошлар жойида, тартиб-интизом жойида. Корхонага хорижий сармояларни жалб этишга интилиш кучли, демак, эртанги кун учун қайгурилмоқда.

"Юртига хоинлик этган кимсанинг косаси оқармайди" деди директор ўринбосари Қурбондурди Абдуллаев.

— Ҳар бир оилада Президентимизга нисбатан худди ўз отасига бўлгандек ҳурмат-эҳтиром шаклланган, — деди "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулфия Иброҳимова.

— Бошимизда шундайин етакчи инсон борлиги ҳаммамизнинг, ватанимизнинг бахти.

— Мен 16 февралда Тошкентда эдим. Юз берган қўпорувчилик ҳаракатидан қалбим ларзага тушди. "Ўзбекман" деб оғзига нон солиб яшаётган ўшандай қабиҳ ниятли одамлар орамизда юрганидан нафратландим, — деди Тома қишлоғидаги мактаб директори Марямжон Қуронбоева.

— Президентимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафари ҳақидаги кўрсатувни диққат билан томоша қилдик, — деди ўқитувчи Зевар Матназарова, — ҳаяжонландик. Шундай лаҳзаларда У киши билан бамисоли юзма-юз суҳбатлашиб ўтиргандек бўламиз. Ҳаммамизга ҳурматли бўлган бундай Инсон ҳақида ёшларимиз ҳам юксак тушунчада дея ишонч билан айта оламиз. Хусусан, 16 февраль воқеасидан кейин ҳар ҳафтада юқори синф ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказдик.

Боғот тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Шакаржон Хўжаниёзова нақадар тиниб-тинчимас, ҳаракатчан раҳбар эканлигини туман миқёсида қилинган ишлар кўламидан ҳам билиш, кўриш мумкин. Боғот ҳам ўз қиёфасини янгилаяпти. Қурилишлар бўляпти. Ўзбекистон, Буюк Британия, Россия ҳамкорлигида бунёд этилган қўшма корхона мўъжазгина бўлса-да, у ерда паст навли пахта қайта ишланиб, табобатда яроқли пахтага айлантирилмоқда. Шунинг ўзи озмунча эҳтиёжни таъмин этмоқдами! Боғотдаги 3-лицей-интернатнинг довруғи халқ таълими, фан оламида яхши таниш. Мактаб директори Эргаш Худойназаровнинг фидойилиги ҳақида-ку, ривоятнамо ҳикоятлар ҳам болалаб кетган. Ҳаммасини қўя турайлик-да, битта рақамга эътибор қилайлик: Мустақиллик йилларида лицей-интернатни тугатган 523 боладан 493 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган! Интернат ҳовлисидаги бир туп гужум соясида ўқувчи йигит-қизлар билан бўлган гурунгдан яхши таассуротлар олдик.

Тошсоқа дарёси Шовот ва Паҳлавон каналларига айрилиш жойидаги кўприк тепасида Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов бизга пешвоз чиқди. "Бизнинг фахримиз" деб таништирди Шакаржон опа у кишини. "Нафақат сизларнинг, бутун Ўзбекистоннинг фахри" деб илова қилди Ўткир Ҳошимов. Кулишдик. Сўнг Қаҳрамон етакчилигидаги "Боғот" ширкат хўжалиги ғаллакорлари ғайрат билан ҳосилни йиғиб-териб олаётган дала бошига бордик. Осуда шабадада оқиста тебранаётган ғалла денгизида сузиб юрган "Нью холланд" кемаси ҳосилни йиғиб оляпти.

— Илгариги комбайнларга қараганда камида 15 баробар баракали ишлайди, — деди Машариф оға.

Ғаллакорлар билан суҳбатимиз қизиди. Хўжалик шолини кўчатлари орқали экиш тажрибасини ёйгани ҳақида гапириб беришди. Хўжаликда хориж сармоясини жалб этишга зўр берилаётганини, ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси йўқлигини айтишди.

— Муҳими, Президентимиз айтмоқчи, қилинган меҳнатнинг самарасини деҳқон кўриб турибди. Бунинг аҳамияти жуда катта!..

... Хоразм сафари қизғин ва тиғиз ўтди. Иложи борича кўпроқ кишилар билан учрашишга, уларнинг қалбига, мулоҳазаларига қулоқ солишга ҳаракат қилинди. Сафар чоғида хоразмликларнинг ғайратли меҳнатга ундовчи кайфиятлари мамлакатимиз Президентига бўлган ишончдан туғилган ҳаётбахш кайфият эканлигига иқрор бўлдик, қолаверса, вилоят миқёсида, туман ва хўжаликлар, жамоалар миқёсларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналистларимиз кўпроқ ёзишлари кераклигига иқрор бўлдик.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

4 июль куни Америка Қўшма Штатларида мустақиллик Декларацияси эълон қилинганлигининг икки юз йигирма уч йиллиги кенг нишонланди. Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ўз мустақиллигини миллат озодлиги асосида қуришга асосланган ушбу декларация икки асрдан кўпроқ муддат ўтса ҳамки, ҳамон тантана қилиб келмоқда. Айтиш жоизки, орадан ўтган бу даврда АҚШ дунёдаги энг тараққий топган мамлакатлардан бирига айланди. Бунинг замирида, албатта, демократик тамойилларга асосланган, жамият равнақи, тараққиётига хизмат қилиб келаётган мазкур муҳим ҳаётий ҳужжатнинг ўрни ва роли беқиёслигини алоҳида таъкидлаш лозим.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ДАВЛАТ

1776 йил 4 июлда қабул қилинган мустақиллик Декларацияси машҳур сиёсий арбоб Томас Жефферсон раҳбарлигидаги олимлар, сиёсатшунослар томонидан ишлаб чиқилган эди. Унда Америка халқининг орзу-истаклари, умид ва интилишлари ўз аксини топганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун Американинг иқтисодиётда, халқаро сиёсатда, умуман, бошқа соҳаларда ҳам ўз ўрни бор.

Бунда, албатта, мамлакатда қонун устиворлигига эришилганлиги катта аҳамиятга эга. Зеро, мамлакат фуқароси хоҳ у амалдор, хоҳ оддий ишчи бўлсин, қонун ҳаммага баробар. Энг юксак лавозимдагилар, ҳатто мамлакат Президенти ҳам унга сўзсиз бўйсунади.

Демократик тамойиллар устивор бўлган ушбу мамлакат билан ёш, мустақил Ўзбекистон алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу ўзаро иқтисодий, сиёсий маданий алоқаларда ўз аксини топяпти. Айни пайтда «Кейс», «Кока-кола», «Проктэр энд Гэмбл» каби ўнга яқин дунёга машҳур АҚШ фирма ва компанияларининг Ўзбекистонга кириб келиши ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва инсон ҳуқуқлари масалаларида ҳам алоқалар ривожланмоқда. Инсон саломатлиги, экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар шудар жумласидандир. Ўнлаб Ўзбекистон ёшларининг АҚШнинг дунёга машҳур илм даргоҳларида таълим олаётганликлари ҳам фикримизнинг ёрқин далили.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг апрель ойида НАТОнинг 50 йиллик юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун Америка Қўшма Штатларига сафари ўзаро муносабатларнинг янги қирраларини очди. Ташриф чоғида АҚШ—Ўзбекистон мамлакатларининг ҳамкорлик алоқаларини янада юқори поғоналарга кўтариш борасида самарали мулоқотлар бўлиб ўтди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан учрашувида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларга доир бир қанча муҳим масалалар муҳокама этилди.

«АҚШ—Ўзбекистон» қўшма комиссияси тузилгани ҳам диққатга сазовордир. Ҳар йили бир марта йиғилиши бўлиб ўтадиган мазкур қўшма комиссия юқори даражадаги ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириб туриш ва икки давлатнинг муҳим масалалар бўйича ҳамкорлигини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган. Қўшма комиссия тўртта — сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, ҳарбий ҳамда савдо қўмиталаридан иборат.

24-25 май кунлари Тошкентда қўшма комиссиянинг навбатдаги иккинчи кенгаши бўлиб ўтди. Унда терроризмга қарши кураш, шунингдек минтақавий хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ўз ичига олган сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда АҚШ ва Ўзбекистоннинг ўта муҳим ва минтақа масалаларини ўз ичига олган ташқи сиёсатдаги ҳамкорлик алоқаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. 16 февралда Тошкентда, ўтган йилнинг август ойида Найроби ва Дорус—Салом шаҳарларида содир бўлган портлашлар терроризм бутун дунёга хавф солаётганлиги ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик зарурлиги эътироф этилди. Шунингдек, ҳар икки мамлакат оммавий қирғин қуролларини тарқатиш ва уни тақиқлаш борасида ҳам ҳамфикир эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Икки мамлакатнинг иқтисодий ислоҳот ва савдо соҳасидаги алоқалари мазкур йиғилишдан сўнг янги шакл ва мазмун кашф этади десак, янглишмаймиз. Негаки, бундан буён бу йўналишларда ҳам ўзаро ҳамкорлик янада ривожланиш учун зарур чоратадбирлар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ билан Ўзбекистон алоқалари тобора фаоллашиб бораётганлиги ёш, мустақил республикамизнинг дунё миқёсидаги обрўсини янада мустаҳкамламоқда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири — Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан тенг ҳамкорлик қилиш истагини билдираётгани, бу борада алоқалар тобора кенгайиб бораётгани юртимиз истиқболи ва тез орада дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишидан далолатдир.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮКСАЛИШ САРИ ЙЎЛ

ёки «Ўздунробита» уфқларини кенгайтирмоқда

Москвалик меҳмонлардан бири бир гал, Тошкентда ҳаммасидан ҳам мени уяли телефон алоқаси кенг оммалашгани ҳайратга солди, деган эди. Россияликларнинг тасаввурида ҳашамат буюми саналадиган уяли телефон Ўзбекистонда фирма ёки компаниялардаги тадбиркор одамлар учун энг зарур восита бўлиб қолди. Ва, фақат «фирмачи» тадбиркорлар учун эмас. Бугун уяли телефондан майда тадбиркорлар, Тошкентнинг машҳур бозорларидаги тижоратчилар ва хатто... хусусий киракаш «таксичи»лар ҳам ўз манфаатини юритиш йўлида ихлос билан фойдаланаяптилар. Ёши улуғ Форднинг сўзларини ўзлаштириб айтадиган бўлсак, бугун радиотелефон трубкаси Ўзбекистонда тезкор алоқанинг энг кундалик буюмлари ёки воситаларидан бирига айланди.

Бундай телефоннинг оммалашуви эса бу ерда яқинда, айни 1992 йилда бошланди. Келажакни олдин кўра олган бир гуруҳ ташаббускорлар уяли телефон алоқаси хизматини кўрсатишга ихтисослашган америкалик корхона билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этишиб, уни «Ўздунробита» деган узун ва антиқа фазовий ном билан атадилар.

ҲАМ ЭНИГА, ҲАМ БЎЙИГА

Биринчи бўлиш ҳам осон, ҳам мушкул. Енгиллиги шундаки, олдингда поёнсиз фаолият майдони мавжуд. Мушкуллиги шундаки, айнан сенинг зиммангга очилмаган сўқмоқдарсин юриш вазифаси юкланади. Бу сўқмоқлардан юриб гоҳида орқангга ҳам қайтасан ва ҳамма ишни бошидан бошлашингга тўғри келади. Буларнинг барчаси харажатсиз бўлмайди, чунки ҳеч бир иш бемаблағ битмайди, айниқса тезкор алоқадай юксак билим ва юксак технологияни тақозо этадиган тармоқ тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. «Ўздунробита» алоқа хизмати соҳасида ўз хизматини кенгайтириш ва мижозларга фойдали шарт-шароитларни яратиш йўлини танлади. Бамисоли бир вақтлар республика кенгликларида уяли телефон тўрини кенг ёйгани каби, бу гал ҳам ишга жон-жаҳди билан берилиб киришди. Тараққиётнинг экстенсив йўли ўрнини интенсив йўл эгаллади. Иш босқичма-босқич олга силжиди. Йўлда оёқ қоқилиши ҳам, жиддий ларзалар ҳам содир бўлмади.

Ишнинг бундай босқичма-босқич ривожланиб бориши қандай хосиятлар келтирди, дерсиз. Биринчидан, энг муҳими — абонентлар сони ортиб борди. Бу эса белгиланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатувчи энг биринчи кафилдир.

Шу кунларда компания тармоқларида ўнлаб қудратли станциялар ва ёрдамчи станциялар, 500 километрли радиореле алоқа йўналиши, кўпгина ретрансляторлар ва репиторлар ишлаб турибди. Республика ҳудудининг деярли 90 фоизини, 900 дан кўпроқ аҳоли яшайдиган катта-кичик жойларни ушбу алоқанинг тармоғи кенг ва ишончли қамраб олди. Бугун фақат Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг йирик саноат туманларигина эмас, балки тезкор алоқа янги қурилиш майдонлари-ю, қишлоқ жойларигача кириб келди, бу алоқадан мамлакат йўлларидаги йўловчилар ҳам фойдаланмоқда. Бугун «Ўздунробита» 22 минг абонентига эга. Мазкур компаниянинг хизматини танлаган ўзбекистонликлар ҳамда хорижий тадбиркорларнинг сони тобора кўпаймоқда. Бу компания хизматини танлашга эса мижозлар энг авало, одатда, харид қилаётган телефонларининг сифати, кўрсатаётган хизматнинг тўлов ҳақи имкон қадар эканини албатта ҳисобга олаётирлар. Уяли телефон Ўзбекистонда эътибор топаётган экан, бу, албатта, компаниянинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. Шу билан бирга, айнан шунинг ўзи унинг дастурий мақсади ҳам ҳисобланади. Ва, бу дастур ижрочиларининг хизматини эътироф этиб айтиш керакки, Ўзбекистоннинг барча минтақаларида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

БУНГА СЕН КИРИШМАСАНГ, РАҚОБАТЧИ КИРИШАДИ

Бугунги рақобат курашлари даврида муваффақиятни нима ҳал қилади? Сармоя оқимини тўғри ва аниқ бошқариш! «Ўздунробита» шундай деб ҳисоблайди. Муваффақиятни йирик мўмай даромадлар олиш билан белгилаш даврлари ўтиб кетди. Қўшма корхона, катта пул тўплашга қаратилган мақсаддан ўзни тийиш керак, деган аниқ хулоса билан фаолиятини бошлади. Кимдир, Ўзбекистонда йирик даромад топишга имкон йўқлиги сабабли шундай хулосага келинмадимикин, дейиши ҳам мумкин. Йўқ, бу ерда бемалол даромад қилса бўлади, кўпгина ғарблик ва трансмиллий компанияларнинг бу ҳудудда юришаётган омади буни тасдиқлайди. Шунчаки, бу компания тадбиркорлик соҳасида экспорт-импорт савдо тадбирларида бўлганидай, сармоя бирдан йирик даромад келтирадиган йўлдан бормади, бунинг устига, уяли алоқадай ўта ўзига хос жабҳадаги бозор умуман олганда, турли-туман қаланғи-қасанғилар бозорига нисбатан аста-секинлик билан эгалланиши табиий-ку. Уяли телефон аппарати ҳам, уяли алоқанинг ўзи каби, арзон матоҳ эмас. Бироқ, ҳамма нарса қиёсларда маълум бўлади. Қиёслар эса «Ўздунробита»нинг фойдасига ишлайди. Бу тўғрида батартиб ҳикоя қилишга тўғри келади.

Янги ташаббуслар анча мураккабликлар ичида ўзига йўл очади. Ҳозирча мамлакатнинг олис туманларидаги кам аҳолили қишлоқларгина тезкор алоқа қамраб олмаган жойлардир. Уларни ягона алоқа тармоғига бирлаштириш учун катта маблағ талаб қилинади. Бу маблағ қаердан олиниши керак? Ёш компанияларда бундай пулнинг ўзи бўлмаслиги ёки бор маблағ қўйилган мақсад учун етишмаслиги мумкин. «Ўздунробита»да бундай маблағ бор ва компания йирик харажатли ишга дадил қўл урди. Чунки у бу ишни қилмаса, рақобатчилар шунга киришадилар. Хўш, янги объектлар қурилишига маблағ қаердан олинади?

Корхонанинг бор даромади, америкалик шерикларнинг розилиги билан, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга дадил сарфланди. Бу жиҳатдан, айниқса, ўтган йил кўнгилдагидай бўлди. Компания ўз ичига 40 та объектни олган ҳар хил йўналишда қурилишлар олиб борди. Энг аввало, базавий станциялар, репиторлар, радиореле линиялари каби жиҳозлар сақланадиган иншоотларни қуришдан иш бошланди. Бу жиҳозларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир ишлатилмоқда: уяли алоқа Оролбўйига, республиканинг бошқа олис нуқталарига етиб келди.

Сўнгги бир йилда 10 та станциянинг қуввати оширилди, хизмат турлари кўпайди, телефонда овоз эшитилишининг сифати яхшиланди. Республиканинг деярли бутун ҳудудида рақамни аниқлаш, «пип-код»га ўтиш ва бошқа шу сингари хизматнинг янги турлари жорий қилинди.

Қўшма корхона жамоасининг, шак-шубҳасиз, улкан ютуғи ва фахри, бу — антиқа автоматик роумингнинг жорий этилганлиги ва унинг ҳозир кенг қўлланилаётганлигидир. Ҳозир фақат шу компания Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудида абонентларга автоматик усулда телефон орқали гаплашиш имкониятини яратди. Мутахассислар алоқа хизматининг бундай даражасига ҳали МДҲ давлатларининг ҳеч бирида эришилмаганлигини тасдиқламоқдалар.

ДЎСТИНГ КИМЛИГИНИ МЕНГА АЙТ...

Энди Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг қўшма корхонадаги шериги бўлган Американинг «Интернейшнл комьюникейшн груп» компанияси хусусида сўзлашнинг пайти келди. Тадбиркорлик оламида мазкур компания анчадан буён ва яхши таниқли. Хорижий шерикларни, одатда, улар ажратадиган сармоя маблағининг миқдорига қараб баҳолашади: кўп маблағ бердингми — сен яхшисан, кам ажратдингми, бу — ёмон. Бироқ, яна шерикликда бошланган фаолиятнинг олдида турган вазифаларни оқилона тушуниш, ўзаро ён бериш ҳам жуда муҳимдир.

Масалан, ўтган йилдаги қурилиш ишлари учун 100 миллион сўм, монтаж ускуналари ва бошқа харажатлар учун яна 50 миллион сўмдан кўпроқ маблағ зарур эди. Бу маблағни қўшма корхонадаги ўзбекистонлик ва америкалик шериклар тасарруфига тушадиган фойда ҳисобидан олинди. ICG, inc ўз улушларини талаб қилиши мумкин эди. Талаб қилмади, чунки кун тартибида — роумингни кенг ёйиш ва такомиллаштириш вазифаси турарди, бу жабҳада эса компания пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти, ўзаро қўшма баённомада режалаштирилган бошқа ишларнинг ҳам сифатини яхшилаш лозим эди. Бугунги ҳаражатлар — эртанги даромадир: «Ўздунробита» мутассислари шундай деб фикр қилишди.

Қўшма корхонанинг ўтган йилларда Ўзбекистон ҳудудида уяли алоқани ривожлантиришга қаратилган бутун фаолияти учун 60 миллион АҚШ долларига яқин маблағ чет элдан олинди ва умумий ишга сарфланди. Уяли алоқанинг ҳеч бир оператори бундай катта қўйилмага боргани йўқ. Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти.

ШУНДАЙ НОМ ТАНЛАГАН БЎЛСАНГ...

Ном танлашнинг ҳам ўз масъулияти бўлади. Гап фақат компаниянинг қандай аталганида эмас, балки бу номни у қандай шарафлаётганлигидадир. «Ўздунробита» қўшма корхонаси — Ўзбекистон уяли алоқасининг бу пешқадам оператори — қандай ишлар билан ўз номининг мавқеини кўтармоқда?

Аввало, ўнлаб янги иш жойлари вужудга келтирилди. Уларнинг ярми — вилоятлардаги шохобчаларда. Айрим шубҳага мойил кимсалар мақтанарли эмас, дейиши мумкин ва уларни ноҳақ деб бўлмайди. Бироқ булар — катта иш ҳақи тўланадиган муҳандис-техник ходимлар учун иш жойларидир. Ундайлар сўнгги йилларда бутун МДҲ ҳудудида юз берган тартибсиз ўзгаришлар даврида дастлабкилардан бўлиб қисқартиришлар қайчисига дуч келган эди. Ва Ўзбекистонда ҳам уларнинг сафга қайтиши кўп нарсани англатади. Бироқ иш жойларини ташкил этиш, билвосита бир тарзда, яъни республиканинг алоқа ва пудратчи қурилиш корхоналарини буюртмалар билан таъминлаш ҳамда уларнинг хизмат ҳақини тўлаш йўли билан ҳам амалга оширилди. Шу тариқа, қанча иш жойлари сақлаб қолинди — буни ҳеч ким ҳисоблаб кўргани йўқ. Бироқ ушбу компания мутахассислари ўз ҳисоботларидан бирида бошқа нарсанинг ҳисоб-китобини ҳам қайд этганлар: бу ташкилотлар «Ўздунробита» билан ҳамкорликда олган даромадларидан давлат бюджетига 1998 йилда 80 миллион сўм маблағни бевосита солиқ тарзида тўлаганлар. Америкача бу ўзига хос ҳисоб-китобни сезаяпсизми, бизникилар бундай ҳисоб-китобга кўникишмаган. Аслида эса, бу жуда тўғри ҳисоб ва у компаниянинг моҳиятини яна бир алпозда намоён этади. Бевосита қўшма корхонанинг ўзининг эса республика бюджетини тўлдиришга қўшган улуши ўтган бир йилнинг ўзида 1 миллиард сўмдан ошиқроқ маблағни ташкил этади. Бундан ташқари, деярли 195 миллион сўм миқдоридаги хайрия пуллари ва бошқа чиқимлар бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига, Ўзбекистондаги ижтимоий дастурни бажаришга улуш тариқасида ўтказилди. Бу — кўрсатилаётган доимий ҳомийлик маблағларидан ташқари маблағдир.

САРМОЯВИЙ МУҲИТ КЎНГИЛДАГИДАЙ, РАҲМАТ...

Мадад учун раҳмат! Ёки бу муҳим жабҳада Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган рағбатли омиллар учун раҳмат! Компаниядагилар шундай дейишмоқда, жумладан, компаниянинг америкалик шериклари ҳам шундай фикрни айтмоқдалар. Шу ўринда шубҳага мойил шахслар лабининг бир четида кинояли жилмайиш пайдо бўлиши ҳам мумкин. Сир эмас, Ўзбекистонда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг Низом жамғармалари 10 минг долларга ҳам етмайдиган баъзи майда тадбиркорлар унинг ҳудудини тарк этишди. Аслида, улар асосан жузъий тижорат билан шуғулланиб, бозорда ўтиб-ўтмайдиган молларни, муддати эскириб кетган озуқа маҳсулотларини ўрамларини одамларга тиқиштириб, иш юритар эдилар. Жиддий ниятли тадбиркорлар ўзларига буни зинҳор раво кўрмайдилар, шу кунгача ҳам бундай йўлдан ор қилиб келаяптилар ва обрў-эътиборлари ҳам мустаҳкамлигича сақланмоқда. «Ўздунробита» ҳам бу заминда сақланиб қолди ҳамда аниқроғи — ICG, inc ўзининг кўп миллион сўмлик заҳирасини қўшма корхонаси учун қолдирди. Уларнинг ўзи ҳазил-мутойиба қилишиб, биз бу ерга ҳаммадан аввал келдик ва ҳаммадан кейин кетамиз, дейишади. Бу шунчаки ҳазил. Аслида, бу заминдан кетишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтираётгани йўқ.

Қўшма корхонанинг эришган ютуқларини кўпгина кузатувчилар ғаройиб ҳодиса, деб, баҳоламоқдалар. Бу ютуқ эса, юқорида айтганимиздай, ишнинг пухта ташкил этилганлиги ва шерикларнинг якдилликда иш олиб бораётганлиги билан изоҳланади. Булар — бор ҳақиқатлардир. Бироқ, энг асосийси, бу — мамлакат ҳукумати ва унинг Президенти Ислом Каримовнинг хорижий тадбиркорларга чуқур хайрихоҳлигидир. Айнан мана шу хайрихоҳлик хорижий сармоядорлар учун ғоятда қулай шароитни вужудга келтирмоқда, капитал қўйилманинг самарадорлигини шак-шубҳасиз кафолатламоқда. Бунга иқтисодни узлуксиз ислоҳ қилиб бориш, тинчликни, жамиятдаги якдиллик ва барқарорликни сақлаш орқали эришилмоқда. Узбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий база уларнинг бу ҳудудда ўз тадбиркорлигини янада ривожлантиришга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Худди шу асосда бу ерда алоқа тизимини замонавийлаштириш ҳам барқ уриб ривож топаяпти. Тезкор уяли алоқа эса, бизнинг давримизга келиб, унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

ХУДДИ ШУНДАЙ ИШЛАШ КЕРАК

Жорий йилнинг биринчи ярмидаги иш ўтган йилдаги қизғинликдан бир мисқол ҳам қолишмайди. Техник қайта қуролланиш ва ривожланиш дастури муваффақиятли бажарилмоқда. Бир қатор базавий станциялар қурилиши тугалланди, мамлакатнинг турли жойларида репиторлар фойдаланишга топширилди, радиореле алоқа линиясининг дастлабки юзлаб километрлари ўтказилди. Фарғона водийсида, Қорақалпоғистоннинг жанубий томонида, Катта Ўзбек йўлининг Тошкентдан Самарқандгача бўлган қисмидаги жойларда янги алоқа тармоғи иншоотлари барпо этилмоқда. Бу энди, бутун Ўзбекистон қамраб олинмоқда, дегани бўлади.

— Ўзбекистонда телекоммуникация иқтисодий ривожланишдаги таянч омиллардан бири эканлигини тушунмоқдалар ва биз бу борада ҳукуматнинг маладини ҳамиша ҳис қилиб турибмиз, — дейди биз билан суҳбатда яқинда Тошкентда бўлган International Communications Group (ICG,inc) вице-президенти, «Ўздунробита» қўшма корхонаси раиси Брайл Л. Боуэн. — Бугун бизнинг абонентларимиз нафақат республиканинг исталган жойини, балки дунёдаги яна етти мамлакатнинг 40 та улкан иқтисодий минтақасини ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз телефонда ола билади. Мендан тез-тез «Америкаликлар Ўзбекистон иқтисодиётига пул қўйишдан чўчимайдиларми?» деб сўрашади. Йўқ, чўчимаймиз. Бу ишончимиз фақат бу мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий имкониятларигагина таяниб қолмайди, аслида, бу ҳам ҳал қилувчи гаров бўлса-да. Яна ундан ҳам кам бўлмаган бир жиҳати, бу — бизнинг тадбиркорликдаги ўзбекистонлик шерикларимизнинг софдиллиги, ҳалоллиги ва масъулиятни қатъий ҳис қилиши ҳамдирки, булар бизнес оламида анча юксак қадрланади. Ўзбекистонликларнинг фойдасига ишлайдиган омиллардан яна бири шуки, бу ердаги мутахассисларнинг энг юксак халқаро андозаларга мос келадиган тайёргарлик даражасидир. Мана, битта мисол. Биз Москвада ўз алоқа тизимимизни ўрнатаётганимизда «Ўздунробита» ходимларини ишга жалб этдик. Улар америкалик мутахассислар билан ёнма-ён туриб, улардан ҳеч бир қолишмасдан, ҳатто айрим жиҳатларда улардан ўз устунлигини намойиш этиб меҳнат қилдиларки, бу бизнинг мутахассисларимизни ҳайратга солди. Бу жиддий кўрсаткичдир.

ЯНАДА КЎПРОҚ, ТЕЗРОҚ, СИФАТЛИРОҚ, АРЗОНРОҚ...

Маълумоти кенг одам — дунёни эгаллайди. Бу ҳикматли иборада мабодо муболага бўлса, бироз бордир. Алоқа воситалари ва усулларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, бу тармоққа улкан молиявий қўйилмалар ажратиш, дунёдаги ахборот таъсири муҳити устидан назорат ўрнатиш бўйича ўткир рақобатчилик кураши — давримизнинг энг яққол аломатларидан бири ҳисобланади. Бу даврнинг ўзига хос рамзларидан яна бири — уяли телефондир. Эҳтиёж — бозорни шакллантиради. Ўзбекистонда тезкор алоқанинг муқаррар ривожланиш йўлига кирганлиги бу соҳадаги бозорнинг оммавийлиги ва фойдалилигидан далолатдир. «Ўздунробита» қўшма корхонаси билан изма-из равишда республикада яна бешта фирма ахборот бозорида ўз ўрнини топиш учун курашга киришганлиги бежизга эмас. Уларнинг барчаси майдонга ташлаган шиорларнинг маъноси битта: янада кўпроқ, тезроқ, сифатлироқ, арзонроқ. Рақобатчиларнинг қайси бири бу талабларни истеъмолчилар эҳтиёжига энг яқин бориб бажара олса, марра ўшаники, рақобат курашида ўша ғолиб.

Ҳозирча курашга киришган уяли алоқанинг 6 оператори ўртасида «Ўздунробита» пешқадамликни маҳкам ушлаб турибди.

Асосий ғолиб эса, барибир, бу майдонда энг сифатли алоқа хизматига эришадиган, эришганда ҳам тез ва арзон эришадиган абонентлардир.

Андрей СМИРНОВ,
«Труд» газетаси, 1999 йил 30 июнь.

УЧКЎПРИКЛИКЛАР МАРРАДА





Учкўприкликлар азалдан моҳир пахтакоргина эмас, миришкор ғаллакор эканликларини бу йилги машаққатли мавсумда яна бир бора исботладилар. Туманда шартнома шартларида белгиланганидан 80 тонна кўп — 14 минг 840 тонна қаҳрабо дон етказиб берилди.

Мустақиллик байрамига муносиб совға ҳозирлашда ҳар гектар ердан 53,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олишни таъминлаган Деҳқонов номли «Учкўприк», Шамсиддинов номли, Отажонов номли, Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари, ҳосилдорликни 57-76 центнерга етказиб юзлари ёруғ бўлган Рустам Калонов, Юлдуз Мусаева, Ҳасанбой Қосимов, Ашурали Ҳамроқулов сингари ижарачилар, комбайнларнинг узу-кун ишлашини таъминлаган Илҳом Фармонов, Расул Қодиров, Ўктам Ўринов сингари механизаторларнинг муносиб хиссаси бор.

Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш хайдаляпти. Ҳозиргача 1260 гектар ерга такрорий экин экилди.

Шунингдек, Қува тумани, Фарғона шаҳри ғаллакорлари ҳам маррага етдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЁРУҒ НИЯТЛАР ЙЎЛИДА

Эллиққалъа туманидаги «Сараби» фермерлар уюшмаси тумандаги энг пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда экин майдонларидан олинаётган ҳосил йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу, албатта, деҳқонларнинг янгиликка интилиб, тармоқда ислоҳотларни изчил амалга ошираётганлиги самарасидир. Айни вақтда уюшма деҳқонлари 1700 гектар майдонда ғўза, 150 гектар майдонда буғдой, 150 гектар ерда шоли, 50 гектар ерда маккажўхори парвариш қилишмоқда. Буғдойни ўриб-йиғиб олиш қизғин бораётир. Барчанинг асосий диққати мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга қаратилган.

СУРАТДА: уюшма раиси Йўлдош Авезниёзов бош фермер Отахон Ҳожиев, механизатор Муса Кенжаевлар билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЗИНГЕР – ДАРОМАД МАНБАИ







Юртимиздаги кўпгина хорижий фирмалар аёлнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш бўйича ҳукумат дастурини амалга оширишга кўмаклашишга киришдилар.

Яқинда биз тикув жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича PFAFF ва SINGER машҳур немис концернларининг ваколатхонасида бўлдик. Маҳсулотлари аёллар қалбини ўтган асрдаёқ ром этган, ўша SINGER-да! SINGER 1851 йилда ташкил қилиниб, аввалига XIX аср механикасининг ғаройиботи ҳисобланган атиги бир неча машинка чиқарган эди. Биринчи SINGER машинкаси яратилгунча компания нималар ишлаб чиқариш билан шуғулланган.

XX асрда уруш ва очарчилик азоби бошига тушган аёлларга SINGER тикув машинкалари бебаҳо хизмат кўрсатди...

Бу ерда — 1995 йилда Тошкентда ташкил қилинган PFAFF ва SINGERларнинг Ўрта Осиё бўйича ваколатхонасида — замонавий SINGER машинкалари билан танишдик ва, шунингдек, мижозлар ва ташриф буюрганлар билан суҳбат қилдик.

78 ёшлик тошкентлик* Надежда Алексеевна *Туранская онаси уруш йилларида эски SINGERда ишлаб топган пулига катта оиласини боққанини ҳикоя қилиб берди.

Бугунги тикув машинкалари электр қуввати ёрдамида ишлайди. Улар замонавийлаштирилган бўлиб, кўп болали оналарга жуда ҳам қўл келмоқда.

PFAFF ва SINGERнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мижозлари қаторида тўрт фарзанднинг онаси* Марина Гилякова *ҳам бор. «Бозорда болалар кийимлари жуда қиммат. Ўзинг тиксанг, кийимлар икки баробар арзонга тушмоқда. Мен ҳамма нарсани ўзим тикаман», - дейди Марина. У жинси шимлардан тортиб енгил кўйлакларгача тикмоқда. Замонавий SINGER уруштан олдин чиққан эски модели каби соддадир. Тикув машинкаси тежамкорлигидан ташқари, аёлларга рўзғор ташвишларидан ажралмаган ҳолда қўшимча даромад келтиради. Улар уйда ўтириб пул ишлаш имконига эгадирлар.

Сифатли тикув машинкаси уй бекалари ва тадбиркор чеварлар учун жуда қўл келмоқда.

Ёш қизлар яхши иш излаб кўпинча бошлари қотади. Агарда улар тикишни билсалар, уйда тикувчилик қилишдан фойдалироқ меҳнат йўқлигини ўзлари ҳис қиладилар.

PFAFF-SINGER ваколатхонасининг мижози, 21 ёшли* Феруза *билан суҳбатлашдик. Тўрт йиллик бичиш-тикиш курсларини тугатиб, ажойиб пардаларни тикиш бўйича ўз фирмасини очди. Қизининг ишлари чиройли ва тез бўлиши учун адаси Ферузага SINGER русумидаги тикув машинкасини сотиб олиб берибди. Ўзининг айтишича, ярим йилда Ферузанинг ишлари юришиб кетибди. У отасига SINGER тикув машинкасининг пулини қайтарди, иккинчисини сотиб олиб, турмуш ўртоғига NEXIA автомашинасини сотиб олишига ҳам ёрдам бериби. Ҳозир у билан бирга сингиллари ҳам ишлашмоқда, улар ҳам тикувчилик маҳоратини кун сайин пухта эгаллаб боришаётган экан.

Биз, шунингдек «Олой» бозорининг ёпиқ павильонида бўлиб ўтаётган PFAFF-SINGERнинг кўргазма-савдосида бўлдик. Бу ерда ҳар бир аёл ноёб техниканинг имкониятларини текинга синаб кўриши мумкин. Бу бизларни жуда ҳайратлантирди. Бу ерда тикув машинкаларининг 20 турига яқини тақдим этилган. Замонавий техника бизни ҳайратда қолдирди. Резинкани матога тикадиган махсус чоклар ҳам бор. Машинканинг яна бир қатор имкониятлари ва сир-асрорлари бор. Албатта, яхши молнинг нархи ҳам баланд роқ. Барча хоҳловчилар бундай тикув машинкаларини харид қилолмайдилар. Балки республикамизда тикувчиларимизга шундай машинкаларни сотиб олиш учун ёрдам берадиган кишилар ёки тузилмалар бордир?

Ушбу савол билан биз PFAFF-SINGERнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг бевосита бошлиғи* Жидрунас Сейлюсга *мурожаат қилдик.

— Биринчидан, бизнинг мижозларимиз, асосан, аёллар эканлигини ҳисобга олиб, тикишга бепул ўргатиш, байрам чегирмаларини қўллаяпмиз. Иккинчидан, моҳир тикувчилар учун уларнинг меҳнатларидан манфаатдор бўлган банк, жамғармалар ва бошқа ташкилотлар орасидан ҳомийларни излаймиз. Ўзбекистонда бундай аёллар кўп.

Аёллар йили бўлган ушбу йилда раҳбар эркаклар ўз опа-сингиллари, оналари ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, уларга тадбиркорлик жабҳасида ўз имкониятларини синаб кўришда ёрдам берадилар, деб умид қиламиз.

LL@1910

«ЎЗБЕК ТЎЙИ» ЖАҲОН САҲНАСИДА

«Фантазия» шоу-балет халқ дастаси айни кунларда Германиянинг Балинген ва Штутгарт шаҳарларида ўтказиладиган халқаро фольклор фестивалига тайёргарлик кўрмоқда.

Жамоада сафар олдидан фарғоналиклар ҳузурида ҳисобот концертлари бериш яхши анъанага айланиб қолган. Яқинда санъаткорлар фарғоналикларга икки қисмли концерт дастурини ҳавола этишди. Икки кун мобайнида кимёгарлар саройи қўшиқ, рақс мухлислари билан лиқ тўлди. Уч соатли икки қисмдан иборат ўзбек халқ куйлари, қўшиқлари, рақсларидан тортиб энг замонавий Ғарб мусиқасигача уйғунлашиб ягона асарни ташкил этган. Томошабинларга айниқса, «Омонёр», «Менинг Ўзбекистоним», «Шодиёна» қўшиқлари асосида яратилган композициялар маъқул бўлди.

— Дастамиз энди Ўзбекистон халқ артисти Исохор Оқилов номи билан аталадиган бўлди, — дейди жамоа бадиий раҳбари Сергей Фёдоров. — Бу зиммамизга янада масъулият юклайди. Шунинг учун дастурларимизни қайта кўриб чиқдик. Германияда ўтказиладиган фестивалда «Ўзбек тўйи» деб номланган театрлаштирилган композицияни намойиш қиламиз. 40 дан зиёд давлатлар санъаткорлари қатнашадиган тадбирда Марказий Осиёдаги давлатлардан фақат бизнинг дастамиз иштирок этади. Германиядан сўнг Болгарияда ўтказиладиган фестивалда ҳам иштирок этмоқчимиз.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



«БЕМОРЛАРГА ЯХШИ МУОМАЛА ҚИЛИШ ҲАМ САНЪАТ», —

ДЕЙДИ ШИФОКОР МУҲАЙЁ ОБИДХЎЖА ҚИЗИ

Хусусий тиббиёт масканида

«Маҳлиё-шифо» масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамияти хусусий диагностика-даволаш маркази сифатида иш бошлаганига атиги уч ой бўлди, холос. Жамоа ишни дастлаб авиасозлар заводига қарашли собиқ 84-поликлиниканинг ташландиқ биносини таъмирлашдан бошлаган эди. Қарийб бир йиллик ташвишлар ниҳоят охирлаб, вайрона ўрнида мўъжазгина иморат бўй кўрсатди. Шинам, озода хоналар керакли тиббий жиҳозлар, мосламалар, техник ускуналар билан янада кўркамлашди.

— Янгилик яратиш машаққатсиз бўлмагани каби, бизнинг ҳам бу марказни очишимиз осон кечмади, — дейди мазкур шифо масканн раҳбари Муҳайё Обидхўжа қизи. — Соҳа мутахассисларининг бошини қовуштириш, ишни ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун талай қийинчилик ва муаммоларни енгиш зарур.

Бизнинг шифохонамизга асосан халқ табобатида оқдоғ, қорадоғ, сўгал, қичима, тошмалар, қипиқли темиратки, тери ва тирноқ ости замбуруғи каби касалликлардан азият чекаётган беморлар даво истаб келишади. Бундай касалликларга чалинган беморлар негадир камдан-кам ҳолатлардагина дўхтирга мурожаат қилади. Натижада иллатнинг зўрайишига, бошқаларга ҳам юқишига сабаб бўлади. Устига-устак, жойларда бу касалликларга қарши курашадиган мутахассислар кам. Ана шуларни ҳисобга олиб поликлиникамиз ўнлаб малакали мутахассислар, тажрибали олим ва профессорлар билан шартнома тузган. Мақсад — дерматология, венерология, болалар аллергияси, аёл ва эркаклар жинсий бепуштлиги касалликларига қарши курашиш, бу касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни илмий-амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш учун кучли ҳимоя воситаларини яратишдир.

Аввалambор, тери касалликларига чалинган киши дарҳол шифокорга мурожаат қилгани маъқул. Шунда беморга ҳам, шифокорларга ҳам осон бўлади. Афсуски, айрим тоифадаги кишилар ўз соғлиғига бефарқ қарайди, дўхтирларга кеч мурожаат қилади. Натижада касалга ташҳис қўйиш, даволаш ишлари узоққа чўзилади. Дардни енгиллатадиган омиллардан бири беморнинг руҳий қувватидир. Тажрибали мутахассис ишни аввало мижозининг кўнглига қўл солишдан, унинг руҳий қувватини оширишдан бошлайди. Ана шунда ҳар қандай организмдаги иллатнинг пайи қирқилади. Соҳа мутахассислари тери касалликларини келтириб чиқарувчи омилларнинг аксарияти инсон организмининг ички аъзолари, яъни ошқозон-ичак, асаб таранглашиши, тўқималар яллиғланиши ва бошқа шунга ўхшаш ички безлар фаолиятининг бузилиши, деб қарайди. Биз дерматология ва венерология касалликларини даволаш жараёнида уларни келтириб чиқарувчи омилларни ҳам мукаммал ўрганишга, илмий-амалий тажрибалар ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Юқорида айтиб ўтганимдек, бунинг учун тегишли соҳа вакиллари, илмий-текшириш муассасалари ходимлари билан шартнома тузганмиз. Марказ шу йўсинда юзага келган муаммони атрофлича ўрганиб, мижозларга юксак савияда хизмат кўрсатишга интилаётир.

Дарвоқе, поликлиникамизда барча хизмат турлари пуллик. Шифокор ҳузурига бир марта кириб чиқишнинг ўзи 400 сўм бўлсада, мижозларимиз кўпинча битта чек билан икки-уч врач қабулига ҳам кириши мумкин. Беморларнинг аксарияти узоқ жойлардан келганлигини ҳисобга олиб шундай иш тутишга мажбурмиз. Бўлмаса, бемор дарди енгиллашиши биланоқ, даволаниш жараёнини охирига етказмасдан уйига жўнаб қолиши, шу билан касалликнинг яна хуруж қилишига замин ҳозирлаши мумкин. Шифокор сифатида биз ўз бурчимизни ҳар қандай шароитда ҳам тўлатўкис бажаришимиз, айниқса, тиббий ислоҳотларнинг чуқурлашишига муносиб ҳисса қўшишимиз, ўтиш даври қийинчиликларини енгишда бошқаларга ўрнак бўлишимиз зарур. Ва, шунинг баробарида тиббиёт соҳасида ҳам соғлом рақобатни вужудга келтиришимиз керак. Ана шундагина бизнинг тиббиётимиз бутунлай янги услублар билан бойийди, мижозларга юқори даражали хизматлар жорий этилади.

Очиғини айтганда, биз соғлом рақобат тарафдоримиз. Фақат ўзини ўйлайдиган, шахсий манфаат йўлида яшайдиган маънавиятсиз кимсаларгина соғлом рақобатни ёқтирмаслиги мумкин. Бундай кишилар учун фойда, жарақ-жарақ пул бўлса, бас. Ахир, ҳамма нарсага моддий неъмат — бойлик мезон бўла олмайди-ку. Соғлом рақобат иқтисодий ривожланишнинг, тараққиётнинг асосий омили. Шундай экан, қаердаки чинакам рақобат вужудга келса, ўша жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Шу маънода, биз ҳар қандай шароитда ҳам ўзимизга муносиб рақобатчилар бўлишини хоҳлаймиз. Биласизми, жамоамиз хусусий сектор сифатида эндигина оёққа туряпти. Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, соҳадаги тиббий-тарбиявий ишларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётирмиз. Мижозларимизга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб, уларнинг дардини аритолсак, бизга шунинг ўзи кифоя. Поликлиникада керакли малҳам турлари ва дори-дармонлар 20 фоиз арзонлаштирилган нархларда тавсия этилади.

Келгусида поликлиникамиз қошида тиббий соҳага оид турли ишлаб чиқариш тармоқларини, илмий-техникавий усул билан даволаш марказларини очиш устида иш олиб бормоқдамиз. Жаҳон тиббиёти ютуқларини мамлакатимиз миқёсида ҳам кенг жорий этиш мақсадида халқаро ҳамкорлик ришталарини боғлашга ҳаракат қиляпмиз.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ
(масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — М. ЙЎЛДОШЕВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6



МОЗИЙ БИЛАН БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Хивада Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Айниқса туманнинг шоир номи билан аталувчи хўжалигида байрамга тайёргарлик янада қизғин. Бу ерда ташкил этилган Огаҳий музейи, янги-янги экспонатлар, шоир номи билан боғлиқ эсдаликлар билан бойитилаётир.

СУРАТЛАРДА: Огаҳий музейининг умумий кўриниши; музей экспонатлари; ушбу кўҳна дарахт шоир яшаган даврдан сўзлайди гўё.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

БОЛА КЎНГЛИ НОЗИК

Ногиронлар жамияти Андижон тумани бўлимига раҳбар этиб тайинланган Ниёзбек Назиров ишни мактабгача тарбия муассасаларидаги майиб-мажруҳ болаларга мурувват кўрсатиш, уларнинг кўнглини шод этишдан бошлади. 1 ва 4-болалар боғчаларига жалб этилган бир гуруҳ ногиронлар жамият тасарруфига ўтказилди. Икки нафар болага ногиронлар аравачаси бепул туҳфа этилди. Шунингдек, юздан ортиқ ўғил-қизларга дастурхон ёзилиб, улар музқаймоқ, тансиқ таомлар билан сийланди.

Яна бир янгилик. «Боғишамол» дам олиш масканида ташкил этилган болалар оромгоҳи таътилга чиққан ўқувчи-ёшлар ихтиёрига топширилди.

— Бола кўнгли гулдан нозик, — дейди Н. Назиров. — Айниқса, жисмонан ногирон болалар алоҳида эътибор ва ғамхўрликка муҳтож. Биз ҳозирги кунда ўз фаолиятимизни ана шу муҳим масалага қаратаяпмиз.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири

ЧЎМИЛИШ ХАВЗАСИ

Жиззах шаҳрининг қоқ марказида, Сангзор дарёси бўйида жойлашган оромгоҳ — чўмилиш ҳавзаси яқингача ташландиқ ҳолда эди. Бу маскан вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ихтиёрига берилгач, катта ўзгариш рўй берди. Бир-бирига туташ учта табиий ҳовуз чиқиндилардан тозаланиб, қирғоқларга қум тўшалди, соябонлар ўрнатилди. Манзарали дарахтларга шакл берилди.

Бошқарма маъмурияти аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун «Нурафшон» фирмасини ташкил этган. Фирма бу ерда дам олувчиларни қайиқ, катамаран билан таъминлайди. Буюртмага кўра исталган хизматни кўрсатади. Савдо расталари, салқин ичимлик дўконлари, овқатланиш жойлари ташкил этади.

Ҳордиқ маскани айни кунда оилавий дам олувчиларнинг талабларига мувофиқ янада кенгайтирилмоқда.

ҚЎШ ХАБАР

КИШЛОҚЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Фориш тумани ҳудуди вилоят умумий майдонининг ярмидан кўпроғини эгаллайди. Нурота тоғ тизмалари бағирлаб ястаниб ётган юз ўттиз учта қишлоқ ва иккита шаҳарчада етмиш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳудудсиз ва тарқоқ қишлоқларда бунёдкорлик, ободончилик ишларини амалга ошириш осон эмас, албатта.

Лекин қурувчилар, тадбиркорлар, саховатпеша юртдошларимиз бунинг уддасидан чиқишаяпти. Йил бошларида Илончи қишлоғида қарийб беш юз болани ўз бағрига олган мактаб фойдаланишга топширилган эди. Май ойи охирида Фориш-Жиззах йўли бўйида каттагина бозор ишга туширилди. Мустақиллик байрамига тайёргарлик қизғин. Айни кунларда эса Михин қишлоқ врачлик пункти, Э. Камолов номидаги маҳалланинг янги гузари, «Пахтабанк» туман бўлимининг ҳашаматли биноси қуриб битказилди.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ» фирмаси

ТАКЛИФ ЭТАДИ:
- *Саналарни 2000 йилга мўлжаллаб тартиб билан алмаштирадиган турли хил кўринишдаги компьютерлар;*
- *Принтерлар - тезлиги юқори, матрицали,пуркагичли, фототасвирни бера олади; шунингдек, янги лазерли принтер HP 1100 (бир дақиқада 8 саҳифагача чиқаради).*
- *SCSI ҳамда LPT тамғали сканерлар, ксероклар, факслар.*



- *Сервис: кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат.*
- *Замонавий дастурли маҳсулотлар билан таъминлаймиз.*
- *Омборхонадан маҳсулот пул тўланган кундаёқ берилади.*
- *Агентларимиз ҳамиша жойларга бориб шартнома тузишга тайёр.*

Республика минтақаларига ташкилотлар учун техникалар «ТС-Технология» фирмаси ҳисобидан етказиб берилади.

©/1865

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уй. Тел\факс: (3662) 22-09-54, 22-24-75.

МЕБЕЛЬ САЛОНИ

AKBOSIYOB

Италия, Голландия ва Дания усталарининг энг яхши офис мебель тўплами

Илғор фикрлар қулай ўриндиқда ўтиргангингизда келади



- эркин тўплам
- каталог бўйича танлаш
- етиб бериш ва йиғиш

Тошкент, Матбуотчилар кўч., 32.
Тел.: (371) 133-20-10
133-29-27

1816

VENDASIA
"ВЕНО-ОСИЁ" таклиф этади
БОЛГАРИЯ КУРОРТЛАРИ:
Қуёшли соҳил, Приморск, Несебр, Дюни.
Тошкент-Бургас чартер рейслари
МАХСУС НАРХЛАР!
5 ёшгача бўлган болалар учун бепул авиапарвоз,
12 ёшгача бўлган болаларга чегирмалар
янги қурилган оилалар учун 10% чегирма.
Болгария орқали Қоҳира ва Истанбулга қўшимча саёҳатлар
Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6.
Тел.: (371) 144-48-83, 144-48-16.
1800

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЎЗ ФИЛИАЛЛАРИ ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Сурхондарё вилоятида Миллий банкнинг Сариосиё филиали иш бошлади. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг турли тармоқларига мансуб корхоналар жойлашган Сариосиё туманида Ўзмиллийбанк филиали очилиши, шак-шубҳасиз, ишлаб турган ва янги очилаётган кичик ҳамда ўрта хусусий бизнес корхоналарига банк хизматлари кўрсатиш даражасини оширишда, инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун халқаро кредит йўналишларини янада самаралироқ ўзлаштиришда ёрдам беради.

Ҳозирнинг ўзидаёқ фойда кўриб ишлаётган «Фидо», «Нури-Ниҳол», «Муҳаммаджер» каби учта хусусий фирма Ўзмиллийбанкнинг Сариосиё филиалида ўз ҳисобварақларини очди.. «Сариосиё», «Боғи-Бўстон», «Мифтоҳ» каби бир қанча йирик фирма ҳамда фермер хўжаликлари янги ташкил этилган филиалда ҳисобварақ очиш истагини билдирдилар. Бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Зеро, Ўзмиллийбанкнинг Сариосиё филиалида хизмат кўрсатиш даражаси ва кенг доирадаги банк хизматлари халқаро андозаларга мос келади. Банк ўз мижозларига ишончли, сифатли ва тезкор ишлаш кафолатини беради.



Умуман, Ўзмиллийбанк филиаллар тармоғини ривожлантириш стратегияси мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида ҳам, туман марказлари ва қишлоқ жойларда ҳам бир хилда юқори сифатли банк хизматлари кўрсатилишидан иборатдир. Бу ҳолат кичик ва ўрта хусусий бизнес корхоналарини ташкил этиш, қўшма корхоналар фаолияти, минтақаларда хорижий сармоя иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини ривожлантириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 5 филиали ишлаб турибди, бутун мамлакатимизда эса унинг бўлим ва филиаллари сони 90 тага етди.

Эндиликда Миллий банк Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида ҳам барча турдаги ҳисоб-китоб-касса операциялари, конверсия операцияларини бажармоқда, Миллий банк чиқараётган «Сўм» ва «VISA» пластик карточкалари бўйича ҳисобварақлар очмоқда, аҳоли орасида оммалашган «Таътил», «Сарпо», «Тўёна», «Меҳрибон она», «Оқсоқол», «Нисо» каби сўмдаги депозитларга доир операцияларни, шунингдек аҳолининг хорижий валютадаги омонатлар бўйича операцияларни амалга оширмоқда, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини кредитлаш, инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш билан шуғулланмоқда, қимматли қоғозлар билан ишламоқда ва бошқа кўплаб хизматларни кўрсатмоқда.

Ф/1901

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Раим Каримовга акаси
Ғаппор КАРИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Абу Али ибн Сино нашриётининг директори Бахтиёр Омоновга волидаси
Раъно ИКРОМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.